

ИЖТИМОЙ СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ғаниев Шахриддин Воҳидович

ТМИ профессори

Хайдаров Асқарбек

INTERNATIONAL SCHOOL OF FINANCE TECHNOLOGY AND SCIENCE INSTITUTE"

доценти иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD), (e-mail: askarbek110@ yahoo.com: телефон 911639858)

Мақолада ижтимоий суғуртани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг омиллари кўрсаткичлари, пенсия таъминоти тизими ва унинг иқтисодиётга таъсири, шу жумладан, суғурта тизими ижтимоий соҳанинг муҳим элементи сифатида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги ҳолати тадқиқ этилган.

В статье рассматриваются показатели развития социального страхования и факторы социальной защиты, пенсионная система и ее влияние на экономику, в том числе система страхования как важный элемент социальной сферы в развитых и развивающихся странах.

The article examines the indicators of the development of social insurance and factors of social protection, the pension system and its impact on the economy, including the insurance system as an important element of the social sphere in developed and developing countries.

Таянч сўзлар: *ижтимоий суғурта, давомийлик, аҳоли, омиллар, иқтисодиёт, элемент, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, молия тизими, пенсия таъминоти, суғурта шартномалар, тиббий суғурта.*

Ключевые слова: *социальное страхование, продолжительность, население, факторы, экономика, элемент, развитые и развивающиеся страны, финансовая система, пенсионное обеспечение, договоры страхования, медицинское страхование.*

Key words: *Keywords: social insurance, duration, population, factors, economy, element, developed and developing countries, financial system, pension provision, insurance contracts, health insurance.*

КИРИШ

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимли ислохотларни изчил давом эттириш ва янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва ижтимоий суғурта тизими ва хизматларини кўрсатишда самарали идоралараро мувофиқлаштирувчи тизим шакллантирилди.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, ҳар бир мамлакат фуқаролари манфаатларига тааллуқли бўлган ижтимоий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш институти, молия тизими ва суғурта соҳасининг муҳим элементи ҳисобланади ҳамда иқтисодий ривожланган ва жадал ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг энг муҳим ижтимоий кафолати сифатида намоён бўлади.

2022–2030 йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси ишлаб чиқилди. Унда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида асосий қуйидаги ислохотларни амалга ошириш кўзда тутилган.

1. Ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш:

2. Давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам самарадорлигини ошириш:

3. Ижтимоий хизматларни мустаҳкамлаш каби масалалар ўрин олган

Фуқароларнинг кексайганида, касаллигида, меҳнатга лаёқатини қисман ёки тўлиқ йўқотганида, боқувчисиз қолганида, ишсизликда ижтимоий суғурта асосида моддий таъминотида оид конституцион ҳуқуқларининг таъминланганлиги ҳолати давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маданий жиҳатдан ривожланганлик даражасини белгилаб беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (UN – United Nations) ва унинг таркибидаги Болалар фонди (UNICEF – United Nations Children's Fund)нинг маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг аксарияти етарли даражада ижтимоий ҳимояга эга эмас. Хусусан, «жами ишсизларнинг фақат 22 фоизи ишсизлик нафақасини, ногиронликнинг оғир шаклида бўлган шахсларнинг фақат 28 фоизи ногиронлик нафақасини олади, барча болаларнинг учдан бир қисми ижтимоий ҳимоя тизими билан қамраб олинган ва бола туғилиши билан боғлиқ пул тўловлари (суюнчи пули) оналарнинг фақат 41 фоизига насиб қилади». Бундай шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарблик касб этади.

Ижтимоий суғуртанинг мазмун-моҳияти ҳамон турли иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилинаётганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Аммо, барча таърифларда ижтимоий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим йўналиши (шакли) эканлиги эътироф этилади.

Ижтимоий суғуртанинг ўзига хос мазмуни қонунчиликда ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида мувофиқ, давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бериладиган таъминот турлари сифатида, асосан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақалар, давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари қайд этилган.

Фикримизча, ижтимоий суғуртага хос бўлган энг муҳим характерли белгиларнинг биринчиси уларнинг, энг аввало, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга

қаратилганидир. Ижтимоий суғурта ижтимоий ҳимояга муҳтож турли аҳоли қатламини моддий қўллаб-қувватланишини назарда тутди ва шу нуқтаи назардан махсус жамғармага эга бўлмоғи лозим. Бу жамғарма маблағлари иш берувчилар, шунингдек суғурта қилинган ходимларнинг бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Демак, ижтимоий суғурта бадалларга асосланади. Бу унинг иккинчи муҳим характерли белгиси ҳисобланади. Ижтимоий суғурта аҳолини турли хавф-хатарлардан, ижтимоий рисклардан ҳимоялаш шаклидир. Бу – ижтимоий суғуртага тегишли учинчи муҳим характерли белги. Барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозимлиги, яъни мажбурийлиги ижтимоий суғуртанинг тўртинчи муҳим характерли белгиси дейиш мумкин.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан А.Ваҳобовнинг фикрича, Ўзбекистонда фуқаролар пенсия таъминоти тизими икки даражали бўлиб, биринчиси, авлодлар бирдамлигига асосланган «тақсимланувчи» ва иккинчиси, жамғариб бориладиган пенсия тизимидир деган ва пенсия таъминоти тизимининг молиявий ҳолатига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантиришни тавсия қилган. Унга кўра, «самарали пенсия тизими давлат, иқтисодиёт ва ишчилар мафаатларини ҳисобга олиши керак деб таъкидлайдилар .


Таниқли иқтисодчи олимлардан Аюшиев А.Д нинг илмий ишларида Ижтимоий суғуртанинг характерли белгиларидан келиб чиқиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича моддий таъминотнинг бир қанча турларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. Улардан биринчиси пенсия суғуртасидир. Пенсия суғуртаси. Пенсия таъминоти тизими давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, кекса, ногиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тавсифдаги чора-тадбирлар мажмуини назарда тутди Россиялик иқтисодчи-олимлардан Шихов А.К диссертация ишида Тиббий суғурта. Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ижтимоий ҳимоянинг таркибий қимларидан ҳисобланади ва унинг молиявий таъминотида тиббий суғурта ажратмалари муҳим ўрин эгаллайди. Тиббий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда тиббий суғуртанинг моҳиятини ифодалашга хизмат қилувчи қуйидагича таърифлар мавжуд: «тиббий суғурта – тиббий хизматлар кўрсатишга қаратилган харажатлардан иборат бўлган суғуртанинг бир тури деб таклиф қилган .

Таниқли иқтисодчи-олимлардан В.М. Родионова, Ю.Я. Вавиловнинг илмий ишларида , Тиббий суғурта. Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ижтимоий ҳимоянинг таркибий қимларидан ҳисобланади ва унинг молиявий

таъминотида тиббий суғурта ажратмалари муҳим ўрин эгаллайди. Тиббий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда тиббий суғуртанинг моҳиятини ифодалашга хизмат қилувчи қуйидагича таърифлар мавжуд: «тиббий суғурта – турли кўринишдаги соғлиқни


йўқотиш жараёнида аҳоли манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш шаклидир деб таъкидлаган .

Иқтисодчи олимлардан Б.С.Болтаевнинг илмий ишларида «тиббий суғурта шартномаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини бозор муносабатларига мувофиқ ўз-ўзини молиялаштириш воситаси сифатида баҳоланади. Ушбу шартнома асосида аҳолининг барча қатламлари маълум ҳақ эвазига кўрсатиладиган тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритади ва соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий ривожланишига сабаб бўлади. Тиббий суғурта шартномасининг мажбурий кўриниши аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг шакли ҳисобланади деб тавсия қилинган.



1-расм. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича моддий таъминоти турлари ⁸

Ўзбекистонда фуқаролар пенсия таъминоти тизими икки даражали бўлиб, биринчиси, авлодлар бирдамлигига асосланган «тақсимланувчи» ва иккинчиси, жамғариб бориладиган пенсия тизимидир (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда фуқаролар пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилиши ⁹

1. Тиббий суғурта. Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ижтимоий ҳимоянинг таркибий қимларидан ҳисобланади ва унинг молиявий таъминотида тиббий суғурта ажратмалари муҳим ўрин эгаллайди. Тиббий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда тиббий суғуртанинг моҳиятини ифодалашга хизмат қилувчи қуйидагича таърифлар мавжуд:

«тиббий суғурта – тиббий хизматлар кўрсатишга қаратилган харажатлардан иборат бўлган суғуртанинг бир тури» ;

– «тиббий суғурта – бу суғурта фаолиятининг алоҳида ташкилий шакли»;

– «тиббий суғурта – турли кўринишдаги соғлиқни йўқотиш жараёнида аҳоли манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш шакли »;

– «тиббий суғурта – бу соғлиқни сақлашда аҳолининг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш шакли» ;

– «тиббий суғурта шартномаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини бозор муносабатларига мувофиқ ўз-ўзини молиялаштириш воситаси сифатида баҳоланади. Ушбу шартнома асосида аҳолининг барча қатламлари маълум ҳақ эвазига кўрсатиладиган тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритади ва соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий ривожланишига сабаб бўлади. Тиббий суғурта шартномасининг мажбурий кўриниши аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг шакли ҳисобланади» .

Фикримизча, юқоридаги келтирилган таърифларга аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, тиббий суғурта аксарият ҳолатларда ижтимоий ҳимоя шакли сифатида эътироф этилмоқда. Аслида, ижтимоий ҳимоя тушунчаси кенг қамровли бўлиб, ижтимоий суғурта, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдам тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Таҳлиллар кўрсатишича, тиббий суғурта қатор хусусиятларга эга. Жумладан, тиббий суғурта пуллик тиббий хизматдан фойдаланувчига суғурта ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик шартномасига эга тиббиёт муассасасига тўланади. Бунда суғурта пули суғурталанган шахснинг касаллик ҳолатини ҳисобга олиб, суғурта ҳодисаси кўзда тутилган ҳолларда тўланади. Мухтасар айтганда, тиббий суғурта касаллик ёки бахтсиз ҳодиса юз берганида, соғлиғи йўқолган тақдирда суғурталовчи томонидан суғурта дастурига киритилган тиббий хизматлар билан боғлиқ қўшимча харажатларни қоплайдиган ижтимоий суғуртанинг бир туридир.

Тиббий суғурта соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва тиббиёт ходимлари фаолиятларининг пировард натижалари бўйича масъулияти ва иқтисодий манфаатдорлигини оширишнинг муҳим дастаги, тиббиёт ташкилотлари ўртасида рақобатни ривожлантириш омили ҳисобланади.

Коронавирус пандемияси шароитида мамлакатимизда ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобига 2020 йил 29 декабргача бўлган даврда жами 16,0 трлн. сўм маблағ келиб тушган [11]. Жамғарма томонидан 4,0 трлн. сўм маблағ коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш, жумладан, ушбу маблағларнинг 37,5 фоизи дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш ҳамда карантинда сақлаш харажатларини қоплаш мақсадида ишлатилган бўлса, 62,5 фоизи эса тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга оширишга йўналтирилди [12].

«Covid-19» билан касалланганларни даволаш мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш ривожланиш даражаси ва соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш моделига қараб фарқланади (1-жадвал).

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, айрим мамлакатларда касалликни даволаш харажатлари тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган бўлса, баъзиларида фуқаролар тиббий суғуртадан, тиббий суғурта жорий этилмаган мамлакатларда эса беморларни даволаниш билан боғлиқ харажатларни ўз

ҳисобидан амалга ошироқда. Жумладан, «Covid-19»га чалинган ҳар бир беморни даволаш харажатлари тиббий суғурта ҳисобидан қопланмоқда. Унинг салмоғи АҚШда 50 фоиз, Германияда 96 фоиз ва Францияда 80 фоизни ташкил қилади. Аксарият ривожланган мамлакатларда «Covid-19» пандемияси шароитида беморларни даволаш харажатларини қоплашда тиббий суғурта ва давлат бюджети харажатлари муҳим ўрин эгаллаган.

1-жадвал

«Covid-19» пандемияси шароитида даволаш харажатларида тиббий суғуртанинг ўрни (17.02.2021 йил ҳолатига)

Мамлакатлар	Касалликка чалинганлар сони, та	Бир беморни даволашнинг ўртача харажатлари, АҚШ доллари ҳисобида	Тиббий суғурта ҳисобидан қопланган қисми, фоизда
Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар			
АҚШ	28 319 964	34 000	50,0
Германия	2 348 748	32 000	96,0
Буюк Британия	4 047 843	30 000	50
Франция	3 469 539	25 000	80,0
Испания	3 086 286	20 000	50
Бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатлар			
<u>Хитой Халқ Республикаси</u>	89 788	12 250	66,6
<u>Ҳиндистон</u>	10 931 492	4 150	-
<u>Туркия</u>	2 594 128	15 973	10
Бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар			
<u>Россия Федерацияси</u>	4 099 323	3 150	60,0
<u>Ўзбекистон</u>	79 461	4 650	-
<u>Қозоғистон</u>	203 259	540	-
<u>Қирғизистон</u>	85564	734	30,0

Жаҳон амалиётда тиббий суғурта барча ёлланиб ишловчилар учун мажбурийдир ва мажбурий тиббий суғурта соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий асосини ташкил қилади. Жаҳонда тиббий суғурта тизими ривожланган бўлиб, уни молиялаштиришнинг етакчи манбаси бўлиб тиббий суғурта маблағлари ҳисобланади. Бунда давлат ва суғурта компанияларининг фаол иштироки кузатилади.

Хориж тажрибаси таҳлили кўрсатишича «Covid-19» пандемияси шароитида тиббий суғуртани ривожлантириш аҳоли сиҳат-саломатлигини таъминлашда қандай афзалликларга эгаллигини исботлади. «Covid-19» пандемияси даврида коронавирусга чалинган инсонларни даволаш ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар мамлакатларда турли шаклларда амалга оширилмоқда. Пандемия даврида соғлиқни сақлаш тизимига катта босим тушмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тиббий суғурта тизимини ривожлантирилиши зарурлигини кўрсатади.

3. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касаллигидан ижтимоий суғурталаш. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-174-сонли «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан

мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонунга кўра, суғурталанган шахснинг у меҳнат шартномаси бўйича ўз вазифаларини суғурта қилдирувчининг ҳудудида ёки ундан ташқарида бажараётганда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва суғурталанган шахсни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ҳисобланади. Суғурталанган шахсга унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижасида унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллик касб касаллигини англатади.


Ривожланган мамлакатларда, хусусан, Германияда ижтимоий ҳимоя тизими ижтимоий суғурта асосида ташкил этилган бўлиб, ишчиларни бундай риск туридан суғуртавий ҳимоя қилиш ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш тизими институтлари томонидан амалга оширилади. Мазкур институтлар томонидан ишлаб чиқаришда жароҳатланганларга, нафақат, компенсация тўланади, балки даволаш ва реабилитация хизматлари ташкил этилишида кўмаклашади. Буюк Британияда ишчиларни бундай ижтимоий рисклардан ҳимоялаш хусусий суғурта асосида ташкил этиладиган корпоратив суғурта тизимига таянилади. Касб касалликлари бўйича суғурта товони соғлиқни сақлаш тизими орқали давлат бюджетидан тўлаб берилади.

Фикримизча, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касаллигидан ижтимоий суғурталаш иш берувчи ва ишчиларнинг ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобидан шакллантириладиган ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши зарур.

4. Ижтимоий нафақалар. Аҳолини моддий таъминлашнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланган ижтимоий нафақа фуқароларга муайян сабабларга кўра, меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган ва доимий равишда ёрдамга муҳтожларга давлат томонидан берилади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, моддий ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, имконияти чекланган шахсларга моддий кўмак беришга йўналтирилган ижтимоий нафақаларнинг бир қанча турлари амал қилади.

Ўзбекистонда амал қилаётган ижтимоий нафақаларни йўналишига қараб, қўйидагича таснифлаш мумкин (3-расм).



3-расм. Ижтимоий нафақаларнинг йўналиши бўйича таснифи

Ижтимоий нафақаларнинг йўналиши бўйича таснифидан маълумки, уларнинг айримлари доимий ёки ҳар ойда ёхуд бир мартаба тўланиши, бошқалари кам таъминланган оилаларни ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги, қолганлари тирикчилик учун зарур бўлган манбалари йўқлиги сабабли ҳамда узрли сабабларга кўра вақтинча йўқотилган иш ҳақи ўрнида маълум бир муддат давомида ёки унга тенглаштирилган миқдорда тўланиши билан характерланади.

3. Ишсизлик нафақаси. Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакка ишсизлик нафақаси у ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади. Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун ишсизлик нафақаси олдинги иш жойидаги охириги бир йилги ўртача иш ҳақига фоиз нисбатида белгиланади. Бошқа ҳолларда ишсизлик нафақаси қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдorigа фоиз нисбатида белгиланади. Қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган болалари ва бошқа кишилар бўлган ишсиз шахсларга нафақа миқдори ўн фоизга оширилади. Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган тақдирда, ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга олдинги иш жойидаги ўртача иш ҳақининг эллик фоизи миқдorida, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан

оз бўлмаган ва нафақани ҳисоблаш пайтида Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда ишсизлик нафақаси тўланади.

Тахлил натижалари шуни кўрсатадики, демографик омиллар, жумладан, аҳоли ёш таркибининг жиддий ўзгариши, аҳолининг умр кўриш давомийлигининг ошиб бориши пенсия тўловларини молиялаштиришнинг тақсимланувчи тизими амал қилувчи мамлакатларда ижтимоий суғурта, тиббий суғурта тизимини ислоҳ қилиш асосида миллий пенсия моделини такомиллаштириш зарурлигини тақоза этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Доклад о Целях в области устойчивого развития. Организация Объединенных Наций. – Нью Йорк, 2019. – С. 21-23. (https://unstats.un.org/sdgs/report/2019/The-Sustainable-Development-Goals-Report-2019_Russian.pdf).

2. Wannagat Georg. Sozialrecht und Sozialpolitik//Sozialrecht und Sozialpolitik. Festschrift für Kurt Jantz zum 60. Geburtstag. – Stuttgart Berlin Köln Mainz: Verlag Kohlhammer, 1973. – S. 209-210

3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. 1995 йил 21 декабрь. 284-модда.

4. Маматов Б., Нурмухамедова Б. Ижтимоий таъминот. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. – Б. 75.;

5. Вахабов А.В. ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2018. – Б. 14.

6. Аюшиев А.Д., Русакова О.И. Медицинское страхование: Учеб. пособие. – Иркутск: Изд-во ИГЭА, 1997. – С.40.

7. Шихов А. К. Страхование право: Уч. пособие. 3-е изд. – М.: «ЗАО Юстицинформ», 2004. – 304 с.

8. Финансы В.М. Родионова, Ю.Я. Вавилов, Л.М. Гончаренко и др.; под ред. В.М. Родионовой. – М.: «Финансы и статистика», 1993. – С. 187.

9. Закон Российской Федерации от 28.06.1991. №1499-1 (ред. от 24.07.2009.) «О медицинском страховании граждан в Российской Федерации». Статья 1.

10. Болтаев М.С. Тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари. Юридик фан. номз. илм. дар. ол. уч. баж. дисс. Автореф. – Т.: ЎМУ, 2011. – Б. 18-19.

11. Ortiqov Ulug'bek Akrombek o'g, O'sarov Javohir Bahodir o'g. AKSIYADORLIK JAMIYATLARINING KORPORATIV MOLIVAVIY STRATEGIYASINI AMALGA OSHIRISHNING NAZARIY-HUQUQIY ASOSLARI. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 2023

12. У.А. Ортиков Ойбек Ҳамлетов. ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ КОНЦЕПЦИИ ЭКО-INNOVACIJ OSNOVY I OPLYT VEDUSHCHIH STRAN. «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» 2023/06/03

13. Ortiqov Ulug'bek Akrombek o'g'li, Xasanov Jaxongir Jamshidovich. KORXONA RESURSLARINI BOSHQARISH TIZIMI (ERP) ORQALI BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH. World of Science, 2023
14. Улуғбек Ортиқов, Жаҳонмирзо Мирзаҳалимов. КОРХОНАЛАРДА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРИ. Академические исследования в современной науке, 2023
15. УА Ортиқов, СИ Қўчқоров. ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ КОНЦЕПЦИИ ЭКО-ИННОВАЦИЙ ОСНОВЫ И ОПЫТ ВЕДУЩИХ СТРАН. оности образования: исследование в XXI веке, 2023
16. Улуғбек Ортиқов, Суннат Эсанбеков. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. Academic International Conference on Multi-Disciplinary Studies and Education, 2023
17. Ulug'bek Ortiqov, Yulduz Nasimova. RISKNI BARATARAF ETISHDA B2B BIZNES MODELINI QO 'LLASH MEKANIZMLARI. Наука и инновация, 2023
18. Ulug'bek Ortiqov, Ismoil Ismoilov. RAQAMLI IQTISODIYOTNI JORIY ETISH SHAROITIDA KORXONALAR MOLIVAVIY HOLATINI TAHLIL ETISH. Наука и инновация, 2023
19. УА Артиқов, НЕ Джиянова. ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. ББК У. Ят31+ Ч34Я431 А 43
20. Muzaffarov Muhammadjon Maxmud o'g'li. BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH ORQALI KORXONA RESURSLARINI BOSHQARISH, "Science and Education" Scientific Journal / ISSN 2181-0842 October 2023 / Volume 4 Issue 10
21. AKSIYADORLIK JAMIYATLARINING KORPORATIV MOLIVAVIY STRATEGIYASINI AMALGA OSHIRISHNING NAZARIY-HUQUQIY ASOSLARI O U Akrombek o'g, OJ Bahodir o'g - Finland International Scientific Journal of Education ..., 2023
22. RISKNI BARATARAF ETISHDA B2B BIZNES MODELINI QO 'LLASH MEKANIZMLARI U Ortiqov, Y Nasimova - Наука и инновация, 2023